Чекка ҳудудларда

ХИЗМАТГА ЧАНҚОҚ ХОДИМ

Қоровулбозор тумани вилоятнинг чекка ҳудуди ҳисобланади. У жанубда Қашқадарё вилоятининг Муборак тумани, шарқда Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани, ғарбда Олот ва шимолда Бухоро туманлари билан чегарадош. Туманнинг аксарият жойи қир ва қумли чўл, барханлар, тақир ҳамда шўрхоклардан иборат. 20600 нафарга яқин аҳоли яшайдиган ҳудудда 870 дан ортиқ саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, умумий овқатланиш корхона ва ташкилотлари фаолият кўрсатади. Қолаверса, деҳқончилигу чорвачилик борасида жуда юксалган.



Ана шундай сердаромад туманнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда, жиноятчиликнинг олдини олишда, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда касбига содиқ, ташаббускор ходимлар зиммаларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида бажармоқда.

Туман ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш гуруҳи инспектори, сафдор Жонибек Шарипов ана шундай фидойи ходимлардан биридир. У ҳамкасби, катта мутахассис, лейтенант Нурмуҳаммад Неъматов билан тумандошларини хорижга чиқиш биометрик паспорти ва халқаро стандартлар даражасидаги ID-карталар билан таъминлаш борасида самарали хизмат қилиб келяпти.

– Жонибек умидли ёшларимиздан. Касб сирларини мукаммал эгаллаш учун айни пайтда ИИВ Академиясининг сиртқи таълим йўналишида таҳсил олмоқда, – дейди лейтенант Н. Неъматов.

– Жорий йил бошидан буён 450 нафарга яқин шахсга биометрик паспорт топширилди, 250 нафарга яқин фуқарога эса ID-карталар расмийлаштириб берилди. Шунингдек, туман ҳудудига 155 нафар шахс доимий рўйхатга ҳамда 153 нафар шахс вақтинча рўйхатга қўйилди, – деди суҳбатдошим.

Дарвоқе, Жонибек эндигина ўттиздан ошди. Лекин нафақат ўз касби, балки намунали оиласи билан ҳам кўпчиликка ўрнак. Турмуш ўртоғи Соҳибахон билан биргаликда Улуғбек ҳамда Ҳумоюнларни яхши ниятларда тарбиялаб, вояга етказишмоқда.

Мирзоқул АҲАДОВ,
«Postda» мухбири.

Бухоро вилояти.

Хўжаобод тумани чегара ҳудудда жойлашган. Ҳудудда қарийб 2 мингта видеокузатув камералари ўрнатилган. Улардан 325 таси туман ИИБ ситуацион марказига интеграция қилинган. Камералар кўча, чорраҳа ва бозорлар, савдо марказлари, тиббиёт ва таълим муассасаларидан «жонли» тасвирни намойиш этади.

ЁШЛАРНИНГ УСТОЗИ



Эрталабдан Хидирша маҳалласида яшовчи тадбиркор Ҳасан Исмоилов профилактика катта инспектори, майор Хуршидбек Бадаловга мурожаат қилди. Кечаси номаълум шахслар унга тегишли озиқ-овқат дўкони ойнасини синдириб, 7 миллион сўмга яқин пул маблағини ўғирлаб кетибди.

Майор Х. Бадалов зудлик билан ситуацион марказга бориб, ҳодиса жойига яқин масофада ўрнатилган видеокузатув камералари қайдларини кўрсатишини сўради. Кўп ўтмай, бир кишининг ойнани синдириб, дўконга киргани тасвирланган видеотасвирни топди.

Тасвирларни синчиклаб ўрганиб чиққан инспектор босқинчини танади. У маҳаллада истиқомат қилувчи ва вақтинча ишсиз 40 ёшли В.А. бўлиб чиқди.

Қўлга олинган гумон қилинувчига воқеа жойидан олинган видеоёзув кўрсатилгач, айбини тан олди.

Майор Х. Бадалов хизмат қиладиган Хидирша маҳалласи Хўжаобод туманидаги саноат зонасидир. Бу ерда ғишт заводи, цемент заводи, қурилиш оҳаги ишлаб чиқарувчи цех, бир нечта тикувчилик устахоналари, трикотаж буюмлар ишлаб чиқарувчи цехлар фаолият олиб боради. Кўплаб иш ўринларининг мавжудлиги ҳудуддаги криминоген вазиятни юмшатмоқда.

– Маҳаллий аҳолининг деярли ҳаммаси корхоналарда меҳнат қилади, – дейди майор Хуршидбек Бадалов. – Ҳудудимизда умумтаълим мактаби ва поликлиника мавжуд. Якшанба кунлари эски автомобиллар бозори ишлайди. Бу ерда барқарорликни сақлашга нафақат профилактика инспекторлари, катта лейтенант Рашид Рўзиев, лейтенантлар Нуриддин Ҳакимов ва Бобур Режапов, балки Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХ ходимлари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Майор Х.Бадалов бир қатор ёшларнинг устози ҳисобланиб, бугунги кунда шогирдлари профилактика инспекторлари, катта лейтенантлар Алишер Хўжамбердиев ва Ойбек Қосимов ўз хизмат мажбуриятларини аъло даражада адо этишмоқда. Қаҳрамонимиз унга кўп нарсаларни ўргатган биринчи устози Камолиддин Зайнобиддиновни доим ҳурмат ва миннатдорлик билан эслайди.

Борис КЛЕЙМАН,
«На посту» мухбири.

Андижон вилояти.

Муаллиф олган сурат.

КЕЧА ВА БУГУН



1970 йиллар.



2022 йил.

Андижон вилояти ИИБ биноси.

Qadring baland bo‘lsin, ona tilim!

Mamlakatimizda barcha sohalarda bo‘lgani kabi, ona tilimiz taraqqiyotida ham muhim o‘zgarishlar yuz berdi. O‘zbek tilining xalqaro miqyosda obro‘si oshdi. «Davlat tili haqida»gi qonun ona tilimizni ilmiy asosda rivojlantirish borasida ham keng imkoniyatlar eshigini ochdi.

Biroq amalga oshirilayotgan sa’y-harakatlar bilan birga, dilni siyoh qiladigan, tilimiz ravnaqiga to‘siq bo‘lishi mumkin bo‘lgan, milliy urf-odatlarimiz, o‘zligimizga salbiy ta’sir etadigan holatlar ham har qadamda yetarlicha, hatto ortig‘i bilan topiladi. Jumladan, poytaxtimiz, viloyatlar markazlarini qo‘yaveraylik, hattoki uzoq tuman markazlarida ham ko‘chalarimiz, tashkilot, bozor, tijorat va notijorat tashkilotlarimiz, tadbirkorlik muassasalarimiz, xo‘jalik birlashmalaridagi nomlanishlar, e’lonlar, shiorlar, peshtoqlardagi har xil ajnabiy yozuvlar har birimizning dilimizni og‘ritishi, chuqur o‘yga solishi ham bor gap.

Masalan: o‘zbek tilida muqobil so‘z shakliga ega bo‘lsa-da, lekin boshqa tillarda ifodalanib, hammaning sabr kosasini to‘ldirgan «mi otkrilis», «kserokopiya», «mini-market», «supermarket», «car wash», «burger», «fast-food», «welcome», «dobro pojalovat», «parkovki», «stoyanka», «city», «salon», «security», «moderator», «tutor», «kofe breyk», «avtoshkola», «yeda s soboy», «kofe s soboy», «vozmi soboy», «oformleniya», «napitki», «pochemuchka», «otdel prodaj», «golden house», «style», «original», «hotel», «xostel», «tonirovka», «mega skidka» kabi so‘zlarni istagancha keltirish mumkin. E’tibor bering-da, yuqorida sanab o‘tilgan so‘zlarning o‘zbek tilida biz oldindan qo‘llab kelgan muqobil so‘z shakllari nafaqat ziyolilarga, balki barcha insonlarga ham tushunarlidir. Nimagadir biz o‘zimiz bilib-bilmay, shu kabi ajnabiy so‘zlarni ongimizga singdiryapmiz. Bu tilimiz sofligiga putur yetkazayotgan omil sifatida o‘ta xavfli hisoblanadi.

Eng achinarlisi, peshtoqlardagi yozuvlarni ham, e’lon-u shiorlarni ham, barcha-barchasini o‘zimiz amalga oshirmoqdamiz, o‘zimiz yozyapmiz, o‘zimiz peshtoqlarga osyapmiz, o‘zimiz teskari targ‘ib qilyapmiz. Hech kim chetdan kelib bizni shunga majburlagani ham, buyurgani ham yo‘q. Xo‘sh, qachon tilimiz qadriga yetamiz? Qachon tilimiz bilan faxrlanamiz?

Xuddi shuningdek, tilimizning og‘zaki muomala shakli ham maqtangudek emas. Og‘zaki nutqimizni turli xil ajnabiy so‘zlar, varvarizmlar, bir qarashda anglash qiyin bo‘lgan o‘ta qo‘pol qisqartmalar, jargonlarsiz bayon qila olmaslik holatlari ko‘p uchramoqda. Bu kabi holatlar tilimizga e’tiborli bo‘lgan har qanday insonni ham ranjitishi aniq. Axir, ona tilimizning aybi nimada? Ajdodlarimizni allalagan, farzandlarimizga ta’lim-tarbiya bergan, boy tariximiz, moddiy va ma’naviy merosimiz, dinimiz, e’tiqodimiz haqida eng ishonarli ma’lumotlarni kelajakka opichlab o‘tkazib kelayotgan tilimizga ehtirom shumi? Nahotki, joylarda shu masalalarni risoladagidek hal etish qiyin bo‘lsa?

TILIMIZ SOFLIGIGA PUTUR YETMASIN



Dunyodagi barcha xalqlar o‘zining milliy rasmiy tiliga ega deb aytolmaymiz. YUNESKO ma’lumotlariga qaraganda, bugungi kunda har ikki haftada bitta til yo‘qolib bormoqda. Ba’zi tillarda so‘zlovchi aholining ayrimlari yozuvga ega bo‘lsa, ayrimlari bundan bebahradir. Masalan, Afrika tillarida so‘zlashuvchi aholining 80 foizi hamon o‘z yozuvlariga ega emas. Minglab tillardan ta’lim tizimida foydalanishning imkoniyati yo‘q.

Shukrki, o‘zbek tili davlat tili maqomiga ega bo‘lgan, bugungi kunda og‘zaki va yozma shakllari mavjud, grammatikasi shakllangan, dunyo bo‘yicha 50 million atrofida inson iste’molida bo‘lgan yirik, boy til hisoblanadi.

Mutaxassislarning fikricha, til yashab qolishi uchun unda kamida bir millon kishi so‘zlashishi kerak ekan. Biroq bunday tillar dunyoda atigi 250 tani tashkil qiladi, xolos. Ona tilimizning mana shu 250 ta tilning tarkibida ekanligi quvonarli, albatta. Tilimiz poydevori, ildizi juda chuqur, tarixiy, boy tillardan biridir. Ishonchimiz komilki, tilimiz yo‘qolib ketmaydi, ammo uning buzilayotgani insonni xavotirga soladi.

To‘g‘ri, bugungi kunda dunyo miqyosida global taraqqiyotning ta’siri, fan-texnika rivoji, ijtimoiy hayot sur’atining o‘sishi, ijtimoiy tarmoqlar faollashuvi natijasida har qanday tilda ham u yoki bu o‘zgarishlar kuzatilishi tabiiy hol. Tilga kirib kelayotgan o‘ta faol so‘zlar, ayniqsa, ba’zi xalqaro atamalarni inkor qilib bo‘lmaydi. Faqat bu so‘zlarni ifoda ma’nosiga ko‘ra ehtiyotkorlik bilan iste’molga kiritish, ularni tilimizda mavjud bo‘lgan ma’nodoshlariga almashtirish maqsadga muvofiqdir.

Masalan, parol-(im,o‘ron), heshteg-(tanitma, xosbelgi), skrinshot-(qaydlavha, ekranlavha), masterclas-(mahorat darsi), QR kod-(yo‘naltirma yoki tezkor javob kodi, xos kod), standart-(tug‘, ramziy tug‘, sanjoq, andaza) tutor-(tarbiyachi), sayt-(sahifa), onlayn-(to‘g‘ridan-to‘g‘ri uchrashuv, aloqa), oflayn-(yuzma-yuz uchrashuv), vebinar-(tarmoq orqali mashg‘ulot yoki tarmoqda mashg‘ulot), frilanser-(shartnoma asosida ishlovchi mutaxassis, yollanma), chellenj-(chorlov, da’vatli tashviqot, chaqiriq, ommalashuv), fleshmob-(tezkor ommaviy targ‘ibot), dayjest-(qisqa izoh), startap-(tashabbus, yangi loyiha yoki yangi qadam), xostel-(kichik mehmonxona, mehmon uyi), kouch-(maxsus murabbiy, xos murabbiy), trening-(o‘quv mashg‘uloti), yuzer-(foydalanuvchi), rezyume-(ma’lumotnoma), messenger-(aloqa tarmog‘i), login-(eslatma), fake-(soxta), keshbek-(ulush), admin-(tarmoq boshqaruv nazoratchisi), chat- (tarmoq yozishmasi), prank-(kutilmagan hazil), layfhack-(ayyorona yechim), lichka-(shaxsiy sahifa), motivatsiya-(ruhlantirish), reglament- (mosqoida) va boshqalar.

Bugungi kunda o‘zbek tili AQSH, Buyuk Britaniya, Germaniya, Rossiya, Xitoy, Yaponiya, Janubiy Koreya va shu kabi bir qator rivojlangan davlatlarning 60 ga yaqin oliy ta’lim muassasalarida,100 dan ortiq maktablarida qiziqish bilan o‘rganilyapti. Shunday bir paytda biz yurtimizda ko‘plab tushunchalarni ingliz yoki rus tillarida nomlab, farzandlarimizni yoppasiga rus maktablariga berishimiz to‘g‘rimi deb jiddiy o‘ylash vaqti kelmadimikan?


Zero, Prezidentimiz ta’kidlaganidek, «Dunyodagi qadimiy va boy tillardan biri bo‘lgan o‘zbek tili xalqimiz uchun milliy o‘zligimiz va mustaqil davlatchiligimiz timsoli, bebaho ma’naviy boylik, buyuk qadriyatdir». Ajdodlarimizdan meros bo‘lib kelayotgan ana shunday bebaho boyligimizni har birimiz asrab-avaylashga harakat qilaylik.

O‘rinboy BOBOYOROV,
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti huzuridagi Davlat tilida ish yuritish asoslarini o‘qitish markazi bo‘lim boshlig‘i.


Туман ИИБда

Тупроққалъа туманининг ташкил этилганига эндигина икки йилдан ошди. Ўтган қисқа даврда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида кўплаб маъмурий бинолар, маданий-маиший объектлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилди ва ишга туширилди. Энг муҳими, давлат идоралари билан аҳоли ўртасидаги муносабатларда очиқлик, шаффофлик, ўзаро ишонч муҳити яратилди.

ОЛИС ҲУДУДНИНГ СОЙИШТА ҲАЁТИ



– Туманда осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ички ишлар органларининг маҳалла фаоллари билан ҳамкорлигини самарали ҳамда тизимли ташкил этиш, фуқароларнинг дардини тинглаш ҳамда мурожаатларини ижобий ҳал этиш, кундалик хизмат жараёнимизнинг асосини ташкил этади, – дейди туман ИИБ бошлиғи, майор Ихтиёр Аллаберганов. – Кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ўтказилаётган «маҳаллабай», «хонадонбай», «фуқаробай» тамойили асосидаги ўрганишларда ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга, аҳолини иш билан таъминлаш, муаммоларига ечим топиш, тадбиркорликка жалб этиш масалаларига





катта эътибор қаратилмоқда.

Ички ишлар бўлимида ходимларнинг самарали хизмат қилиши учун барча шароит яратилган. Замонавий услубда таъмирдан чиқарилган бино мебель жиҳозлари, алоқа воситалари ҳамда компьютер техникалари билан таъминланган.

Туман ҳудудида ўтказилаётган профилактик тадбирларда жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари, уларга имкон бераётган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарнинг шахси ва уни жиноятга ундаган ҳолатлар пухта ўрганилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўриляпти. Шунингдек, муқаддам судланган, спиртли ичимликларга ружу қўйган шахслар, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ҳамда нотинч оилаларнинг рўйхатлари шакллантирилиб, бу йўналишдаги вазифалар алоҳида таҳлил қилинмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида туман ҳудудида жиноятлар 7,9 фоизга камайди.

– Содир этилган битта жиноят ҳам осойишталикка жиддий хавф солиши мумкин, – дейди туман ИИБ Ташкилий бўлинмаси бошлиғи, майор Аъзамжон Ражабов. – Профилактика инспекторлари томонидан жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда манзилли профилактик ишлар олиб борилмоқда.

Ҳар бир маҳаллани жиноятдан ҳоли ҳудудга айлантиришга ҳаракат қилиняпти.

Жорий йилнинг ўтган даврида 1416 та маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланиб, қонунбузарлар тегишли тартибда жавобгарликка тортилди. Шунингдек, маҳаллалар кесимида амалга оширилган профилактик тадбирлар натижасида қотиллик, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик, товламачилик, автотранспорт воситасини олиб қочиш, безорилик, ўртача оғир ва енгил тан жароҳатлари етказиш каби жиноятлар содир этилишига йўл қўйилмади. Фирибгарлик 25 фоизга, иқтисодий жиноятлар эса 40 фоизга камайишига эришилди.

Туман ҳудудидаги барча маҳаллаларда жамоатчилик назорати масканлари ташкил қилинган бўлиб, ташаббускор ёшлардан иборат тунги навбатчилик гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу фидойи ёшларнинг ҳушёрлиги туфайли 210 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, қонунбузарлар тегишли тартибда маъмурий жавобгарликка тортилди.

3-сектор ҳудудида 6 та маҳалла мавжуд бўлиб, у ерда 15 минг 630 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Жорий йилнинг ўтган даврида сектор ҳудудида ҳамкор ташкилотлар иштирокида 24 маротаба сайёр қабул ўтказилиб, фуқароларнинг мурожаатлари тингланди. Мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал этилиб, ўрганиш талаб қиладиганларининг ижроси назоратга олинди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш, фуқароларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш, йўл ва кўприкларни таъмирлаш, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, балиқчилик, асаларичилик каби қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган ҳамда боқувчисини йўқотган фуқароларнинг турмуш тарзидаги мавжуд муаммоларга ечим топиш, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактик тадбирларнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар қўмиталари, ёшлар ташкилоти ҳамда тегишли идоралар билан ҳамжиҳатликда аниқ ва тизимли ишлар йўлга қўйилган. «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари» бўйича амалга оширилаётган вазифалар ҳар ой якуни бўйича сарҳисоб қилиниб, келгусидаги режалар белгилаб олинмоқда.

Вилоятнинг энг чекка ҳудуди ҳисобланган Тупроққалъада амалга оширилаётган бу каби кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида ҳудудда тинчлик, осойишталик таъминланиб, кўплаб жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинмоқда.



Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.
Хоразм вилояти.

Суратларда: Тупроққалъа тумани ИИБ ходимларининг хизмат жараёнидан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.

Долзарб мавзу

ЭКСТРЕМИЗМ – ХАЛҚАРО ТАҲДИД

Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, айни пайтда экстремистик ва халқаро террорчилик ташкилотлари диний ақидалар ниқоби остида жамиятда зўравонлик ва радикал қарашларни тарқатишни давом эттирмоқда. Натижада уларнинг бузғунчи ғоялари таъсирига тушиб қолган фуқаролар, айниқса ёшлар миллий ўзлигини, маънавиятини, оилавий қадриятларини йўқотмоқда.

Таҳлилларга кўра, жорий йил бошидан ҳозирги вақтгача биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 250 нафар ёшлар экстремистик ва террорчилик ташкилотлари таъсирига тушиб қолишган. Айни пайтда аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли тартибда маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари кўрилган бўлса-да, ёшлар нега ёт ғоялар таъсирига тушиб қоляпти, бунга сабаб нима қабилидаги саволлар келиб чиқаверади.

Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, ёшлар онгида деструктив ғоялар шаклланишига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

– ёшларимизда интернет тармоқларидан самарали фойдаланиш бўйича медиа маданиятнинг шаклланмаганлиги;

– чекланмаган ахборот маконида маълумотларнинг қисқа муддатда кенг аудиторияни қамраб олаётганлиги;

– оиладаги носоғлом муҳит;

– таълим даргоҳларида ушбу йўналишда тушунтириш ишларининг самарасиз олиб борилаётганлиги;

– ёшлар ўртасида ишсизлик кўрсаткичларининг юқорилиги ва миграция муаммолари;

– деструктив кучлар томонидан жамоатчилик фикрининг манипуляция қилиб борилиши;

– «оммавий маданият» кўринишидаги турли енгил-елпи сюжетларнинг тарғиб этилиши;

– экстремистик ва террористик ташкилотларнинг ёшлар онгига психологик таъсир ўтказиш усул ва услубларининг янгиланиб бораётганлиги.

Мамлакатимиз аҳолисининг 65 % дан ортиғини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, улар онгига таъсир этувчи турли бузғунчи ғояларга қарши самарали тарғибот ишларини янада кучайтириш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги «2021–2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони ва «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да экстремизм ва терроризмга қарши курашиш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Экстремизм ва терроризмни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олишга қаратилган превентив механизмларни такомиллаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёт ғоялар таъсирининг олдини олиш ва бундай таъсирга тушиб қолганлар билан тизимли ишлаш орқали уларнинг муаммоларини бартараф этиш, аҳоли, айниқса ёш авлодда терроризм ва экстремизм мафкурасига қарши қатъий ва барқарор иммунитетни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда экстремизм ва терроризм халқаро таҳдид сифатида намоён бўлмоқда. Халқаро майдонда сиёсий жараёнлар кескин ўзгаряпти. Бу эса бугунги таҳлилнинг эртанги кунга тўғри келмаслигини кўрсатмоқда. Бундай вазиятда ҳар бир давлат ички ва ташқи сиёсатни олиб боришда жуда эҳтиёткорлик билан кечиктириб бўлмас чора-тадбирларни амалга ошириши талаб этилмоқда.

Тоҳир ВАИСОВ,
мустақил тадқиқотчи.

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯГА ЭЪТИБОР

Урганч тумани ИИБ ҲПБ ходимлари томонидан аёллар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш, оилалардаги маънавий муҳитни яхшилаш, ажрим ёқасига келиб қолган оилаларга амалий ёрдам бериш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, муқаддам судланган, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил, яшаш манзилидан узоқ муддатга хорижга кетган, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган хотин-қизлар билан тизимли ишлар олиб борилаётир.



– Маҳаллаларда тегишли ташкилот ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, ҳар бир оиладаги хотин-қизларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити, муаммолари уйма-уй юриб ўрганилмоқда, – дейди туман ИИБ ҲПБ ХҚМБ катта инспектор, майор Шаҳноза Ботирова. – Ушбу ўрганишлар жараёнида хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, касб-ҳунарга йўналтириш, имтиёзли банк кредити асосида тадбиркорликка жалб этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жойларда амалга оширилаётган бу каби профилактик тадбирлар натижасида хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги оширилиб, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланмоқда.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.
Хоразм вилояти.

«МАЪНАВИЯТ. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ЛУҒАТИ»

АҚИДА (араб. ишонч) – шак келтирмасдан, муҳокама қилмасдан бажариш, эътиқод қилиш лозим бўлган қоида ва талаблар. Ақида қандай шаклда бўлмасин, муайян ишонч ва эътиқод асосида шаклланади. Кишилар ҳаёти ва турмушининг барқарор ҳодисаси сифатида уларнинг маънавияти, таълим-тарбияси ва хулқ-атворига таъсир қилади.

Ақидага хос энг муҳим жиҳатлардан бири унинг ижтимоий хусусиятга ҳамда индивидуал зоҳирийликка эга эканидадир. Ақида нафақат диний, балки дунёвий асосга, объектив заминга эга бўлиши ҳам мумкин. Аммо бу унинг объектив ҳақиқат эканини англатмайди. Диний ақидаларнинг асослари муайян динлар-



нинг асосий натижаларида, уларга хос қонун-қоидалар ва талабларда ифодаланган. Масалан, ислом ақидаларининг асоси Қуръон ва ҳадислардаги меъёр ҳамда кўрсатмалар негизида ишлаб чиқилиб, тартибга солинган.

Исломнинг суннийлик мазҳабида эътироф этиладиган ақидалар еттита: булар – Аллоҳнинг ягоналиги, фаришталар, муқаддас китоблар, пайғамбарлар, охират ва тақдирга, инсоннинг қиёмат куни қайта тирилишига ишонишдан иборат. Ислом VII асрда шаклланган бўлса-да, илоҳиёт илмидаги ақидавий таълимотларнинг шаклланишида IX аср охири, X асрнинг биринчи ярми алоҳида аҳамият касб этди. Чунки бу даврда калом илми тараққиётига улкан ҳисса қўшган мотуридия ва ашъария таълимотлари вужудга келган. Имом Мотуридий ва Имом Ашъарий илмий-маънавий меросида бутун мусулмон оламига хос бўлган умумий қоидалар ўз аксини топган. Бу – аҳли сунна вал-жамоатнинг икки мактаби орасидаги ақидавий масалаларга оид фарқ бўлиб, уларнинг бири лафзий (ифодадаги), иккинчиси маънавий (мазмуний) тусга эга.